

Таълим методлари: гурууларташқил этиш; эвристик суубат; ақлий зуужум, гуруҳли баҳс-мунозара; синектика методи; савол-жавоб.

Таълим шакллари: Муаммоли маъруза; семинар, лаборатория машғулотлари; Маърузалар билан чиқиш; ^семинар-брифинг; семинар-конференция; семинар-бсцс; давра суҳбат; ишчанлик ўйинлари, роллар ижро этиш; муам- молар таулили; рефератлар ёзиш. ■ ' ' ■

Аудиториядан ташқари машғулотлар: факультатив магилулотлар; ижро- дий кечалар; тўғарақлар: воизлар гурууи, сиёсий мухбирлар; мустанцил илмий изланиш: курс иши, диплом иши, реферат, олимпиада, кўрик-танловларда қатнашиш; илмий конференцияда > қатнашиш; педагогик амалиёт; китобхонаар уюшмаси; байрамлар: мустанциллик байрами; конституция куни, ҳар хил мав- зудаги қизиқарли кечалар; талабаларнинг сўвимилий машғулотлари устида эста- феталар. ' . ' .

Таълим методларини қўллашнинг қуйидагича курсатниш мумкин: талабаларда ташкилотчилик, бошқарувчилик, мустанақил илмий изланиш, ўз фикрини ҳимоя қила олиш, баҳс юритиш қўникмаларини шакллантиришда гуруҳлар ташкил этиб, ижодий топшириқлар бериш, гуруҳлараро баҳс юритиш, ақлий ҳужум методи, эвристик метод, кластер методи қабилардан фойдаланилади. Талабаларда ижрочилик, бошқарувчилик, улар билимлари синаб куришда маъруза билан чиқиш, дискуссия (баҳс)лар, муаммо қўйиш, муаммоли маъруза қилиш ҳам яхши натижалар беради. Талабаларда малака ошириш, касбий қобилиятларини ривожлантириш учун имитацион (ўхшатувчи) машқлар, роллар ижро этиш орқали эришиш мумкин. Уларни янги гоя ечимини яратиш, уларни шахсий тажрибага ёки вазиятга ботлаш, баҳсли ҳолатларни маъқуллашга ўргатиш учун эса гуруҳли баҳслар, маълум бир ҳолатлар таҳлили, савол-жавоб, сўрбномалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

■ Хуллас, бу борадаги қизиқиш қуйидаги педагогик талабларга амал қилинганда самарали натижалар беради: таълим жараёнининг духта лойиҳаланганлиги; мақсадларнинг аниқлиги; талабаларни бирлаштира олиш, вазифаларни тўғри бўлиб бериш, шунинг тўғри режалаштириш; дидактик талаблар: ўқув материализм саралаш ва тайёрлаш, кўргазмали қуроллар, жиҳозлар, ўқув материални аниқ, ишонarli тарзда етказиб бериш; перцептив талаблар: талаблар маънавий дувёсига қира олиш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив қўзғата олиш; тадқиқотчилик қобилияти. Педагогик ҳодатларни аниқлаш ва объектив баҳолай олиш; тоқсак педагогик технологиялардан фойдалана олиш ва ҳ.к.

**Проф Н.Исақулова,
ЎМҚХТТШ ОваУҚТИ**

ЎҚУВЧИЛАРГА АНИҚ ФАНЛАРАРО ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ

«Математика» ва «Информатика» каби умумтаълим аяқ фанлариаро экологик тарбия бериш жуда муҳим бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади: - экологик тарбияни аниқ фанлар йўналишида ўрганиб, аниқ фан нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; -экологик мазмундаги масалалар билан танишиш; -фанлараро ҳам- да синфлараро боғланиш; - экологик тарбияни математика, информатика фанлари нуқтаи назаридан ўрганиш; - экологик тарбияни ўзида акс этган масалаларга фан таҳлили асосида аниқ фанларга оид масалаларни ёритиш; -оддийликдан мураккаблик томон экологик мазмундаги масалаларни ўргатиш; -экологик мазмундаги

масалаларни ҳисоблаш асосида фанлараро боғланишни этиборга олиш; -экологик мазмундаги масалаларни турли усуллар билан ечиш йўллари таққослаш; -эко-огик мазмундаги масалаларни ҳдеоблашда фанлараро боғланиш орқали компьютер дастурларини ўрганиш; -компьютер дастурларини амалда қўллай олиш; -машгулотларнинг тарбиявий томонларини ёритиш ва ҳ.к. Аниқ фанлараро экологик тарбияни беришда куйидаги талаблар қўйилади: -экологий мазмундаги аниқ фан билимларини ўзлаштира олиш, ўзлаштирилган назарий билимлар амалиётга татбиқ эта олиш; -аниқ фанлар асосларини эгаллашлари учун зарур бўладиган билимларга эга бўлиш; -мустакил ва ижодий фикрлаш, ўз фикрларини ёзма ва оғзаки равион баён этиш кўникма ва малакаларини эгаллаш жараёнида экологик мазмундаги топшириқларни бажариш; -экологияга оид билимларни мунтазам ошириб, мустаҳкамлаб боришга интилиш, ўқув фаолиятга ижодий ва мустакил ёндашиш сифатларига эга бўлиш мақсадида экологик мазмундаги масалаларни ечиш, тузишларни мукамал билиш; -фанлараро боғланишни билиш, уларни амалий фаолиятда қўллай олиш учун экологик мазмундаги масалалардан фойдаланиш; -турли экологик вазиятни аниқ фанлар асосида таҳлил эта олиш; -экологик тарбияни мустаҳкамлаш; аниқ фанлараро экологик тарбияни ўзлаштириш ва ҳ.к. Ўқувчиларга шик фанлараро экологик тарбия бериш жараёнида умумтаълим фанларининг ўзлаштирилиши куйидаги натижаларни шакллантиради: «Математика» дарсларини шундай ташкил килиш керакки, ўқувчилар вдовблаш ҳақидаги қопунларни чуқур ўзлаштириш билан бир каторда атроф-муҳит, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги гушунчалар ҳам ўзлаштирилиши кёрак. Ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш Жараёнида «Математика» фанининг экологик мазмундаги масалаларини ечипшинг тарбиявий аҳамияти куйидагиларда иборат: 1. Математикадан экологик мазмундаги масалаларни бажариш экологик тарбия шаклланишига ҳисоблаш, фан ҳақидаги қонунларни чуқур ўзлаштириш билан бир каторда ёрдам беради. 2. Бундай фаолият табиатдаги ўзгаришларни кузатиш билан биргаликда боғлашга ўргатади. 3. Математика дарсларда экологик тарбия мазмундаги топшириқлар устида ишлаш ўқувчини уни қуршаб олган атроф-муҳит ва ундаги экологик вазиятни онгли англашга йўналтиради. «Информатика» билан фанлараро алоқа воситасида экологик мазмундаги масалаларни компьютер ёрдамида ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади: 1. Экологик мазмундаги ва фанлараро алоқа йўсидаги масалалар ўқувчиларда зийраклик, мушоҳада қилишдаги мустакиллик, жиддий ўйлаш ҳамда табиатни севиди сшиари сифатларни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. 2. Бундай тадбирлар ўқувчилар билан функционал боғланишларни юзага келтиради ва улар ўқувчиларнинг қундалик ҳаётида мустаҳкамланиб боришига олиб келади. 3. Мазкур масалаларни ўрганиш билан бирга экологик мазмундаги мультимедиа тасвирларини бажариш жараёнида ўқувчилар ўзи яшаётган ўлка экологиясига нисбатан экологик онг ва маданиятнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. 4. Табиат, жамият, техника ва инсоннинг ўзаро алоқадорлигини чуқур англашга имқоняратади. 5. Мазкур экологик мазмундаги масалалар ўқувчиларда табиат қонунларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш бўйича қўвикмава мал ақал арии шакллантиришга ёрдам беради.

Хўлоса қилиб айтганда, аниқ фанлараро экологик тарбия диалектик ҳамда узвий боғлиқликда назария билан амалиётбирлишда амалга оширилади.

.....